

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2018  
февраль

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**К.ШАҲОБОВ**

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини ..... 55

---

## ТИЛШУНОСЛИК

**Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ**

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида..... 58

**Н.УМАРОВА**

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти..... 61

**З.АЛИМОВА**

Мұхаммад Ризо Оғажийнинг “Зубдат ут—таворих” асарида құлланған форсий сүзлар хусусида..... 64

**И.ДАРВИШОВ**

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари..... 68

**И.БАБАКУЛОВ**

Рус ва ўзбек тилида сүзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси ..... 72

**Р.МАДЖИДОВА**

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психолингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти ..... 76

**Ш.СУЛТОНОВА**

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида ..... 81

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

**Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА**

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш ..... 84

**Э.МИРЗАЖНОВА**

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари. ..... 89

---

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

**А.ЮСУПОВА, С.ЎҚТАМОВ**

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа ..... 94

**А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА**

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари ..... 96

**О.ДАДАЖНОВ**

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи ..... 99

**С.ҚУРБОНОВА**

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир ..... 102

**У.ҚЎЗИЕВ**

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида ..... 104

**М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА**

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида ..... 107

**Д.КАРИМОВ**

Ёш гимнастикачиларни маҳсус-физикавий ва техниковий назоратга тайёрлаш ..... 110

---

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

**ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР** ..... 113

---

## ХОТИРА

**ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ** ..... 114

УДК: 414+408.7

## ЖАНУБИ-ГАРБИЙ НАМАНГАН АРЕАЛИ ҚИПЧОҚ ТИП ШЕВАЛАР ШОХОБЧАСИННИНГ ФОНЕТИК-ФОНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**И. Дарвишов**

**Аннотация**

*Мақолада жануби-гарбий Наманган диалектал ареалидаги шимолий ва марказий худуд қипчоқ шеваларининг фонетик-фонологик таснифи ҳақида фикр юритилаган.*

**Аннотация**

*В статье рассматривается фонетико-фонологическая классификация диалектов северной и центральной зоны диалектального ареала юго-западного Намангана.*

**Annotation**

*The article investigates the phonetic and phonological classification of northern and central variant of the areal of south-western Namangan dialects.*

**Таянч сўз ва иборалар:** шевалар ареали, шева шохобчаси, қиёсий-тарихий генезис, этник ва этномаданий алоқалар, этнолингвистик жараён, фонетик-фонологик структура, сингармонизм.

**Ключевые слова и выражения:** ареал диалектов, отрасль диалекта, сравнительно-исторический генезис, этнические и этнокультурные связи, этнолингвистический процесс, фонетико-фонологическая структура, сингармонизм.

**Key words and expressions:** areal of dialects, dialect variant, comparative-historical genesis, ethnic and ethnocultural relations, ethnolinguistic process, phonetic and phonologic structure, syngarmonism.

Диалектологик майдон нуқтаи назаридан жануби-гарбий Наманган шимолий ва марказий ареали шевалари гурухи шева хусусиятларига кўра қипчоқ лаҳжаси бўлганлиги сабабли ҳам уларнинг фонетик-фонологик хусусиятларида катта тофовут ва кескин фарқланувчи жиҳатлар кўзга ташланмайди. Фақат лексик хусусиятлари қисман фарқ қиласди. Бунга асосий сабаб шимолий худуднинг қарлуқ лаҳжалари ареалига жуда яқин жойлашганлигидадир.

Жануби-гарбий Наманган шимолий ва марказий ареали шевалар гурухи ўзида қипчоқ лаҳжаси фонетик-фонологик хусусиятларини акс эттиради. Бироқ мазкур диалектал ареалнинг айрим аҳоли сони унча кўп бўлмаган кичик худуд ва майдонларида қарлуқ лаҳжасига мансуб шева вакиллари истиқомат қилаётганлиги учун қарлуқ шеваси унсурлари ҳам мавжуд. Мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда бу икки йирик шева ареалини қуидаги шохобчаларга ажратиб ўрганишни лозим топдик.

1. Қипчоқ тип шевалар шохобчаси: Тўракўғон туманидаги Оқтош қишлоғидан бошлаб, Шимолий Фарғона каналининг жануби-гарбида жойлашган йигирматта қишлоқ; Мингбулоқ туманининг (Жомашов, Гулбоғ, Дамқўл, Уйчи қишлоқларидан ташқари) барча қишлоқлари; Поп туманининг ўттизта

қишлоғи киради.

2. Қипчоқлашган қарлуқ шохобчаси: (аралаш) тип: Мингбулоқ тумани Жомашов, Гулбоғ, Дамқўл, Уйчи қишлоқлари.

3. Қарлуқ тип шохобчаси: Поп тумани Пунгон, Уйғур, Санг, Ғурумсарай, Марғизор, қишлоқлари [6.38].

Жануби-гарбий Наманган диалектал ареали шимолий ва марказий худудида миқдор жиҳатидан қипчоқ лаҳжаси унсурлари қарлуқ лаҳжаси унсурларидан кўплиги билан характерланади.

ЖФН шимолий ва марказий ареали қипчоқ тип шевалар шохобчасида унли ва ундош фонемаларнинг миқдорий ва сифат белгилари ўзбек тилининг бошқа қипчоқ шеваларидан деярли фарқланмайди. Худуд шевасида 8 та унли, 22 та ундош фонема мавжуд бўлиб, улар ўзининг миқдор ва сифат белгилари билан марказий таянч шаҳар шеваларидан фарқ қиласди [15.20-21, 17.3-14, 19.51, 3.16].

Жануби-гарбий Наманган диалектологик ареалининг шимолий ва марказий худуд қипчоқ тип шевалар шохобчаси таркиби “й”ловчи ва “ж”ловчилардан иборат.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, туркий тиллардаги “й”лашиш ва “ж”лашиш масаласидаги “уларнинг қайси бири бирламчи?” деган саволга ҳалигача аниқ бир жавоб, хулоса ёки тўхтам йўқ. Шундай бўлишига қарамай, бу

И. Дарвишов – АнДУ, катта илмий ходим-изланувчи.

## ТИЛШУНОСЛИК

масалани маълум даражада ёритишига бағишинган турли фикрлар, илмий ишлар эълон қилинган [1.192; 4.261-270; 12.14].

Мазкур шаҳобча таркибидаги шеваларда ж аффрикатининг қўлланиш доираси бир хил эмас. Ҳудуднинг Кичик Қурама, Катта Қурама (Тўрақўргон т.), Кенагас, Қорақалпоқ, Найман, Майдамиллат, Бешсари, (Поп т.); Чордона, Момохон, Қолғандарё, Бешсерка, Найман, Қайроғочовул, Ингичка, Қирқчек, (Мингбулоқ т.) шеваларида сўз бошида й ўрнида ж ишлатилади. Бу йирик қишлоқлар аҳолиси, асосан, Сирдарё оқимининг чап соҳилида истиқомат қиласидилар [18.27, 20.9]. Уларни биз ЖФН диалекти шимолий ва марказий ҳудуднинг “ж”ловчи қипчоқ лаҗжаси гурухга киритдик. Жануби-ғарбий Наманган қипчоқ шеваларининг фонологик жиҳатларини

ёритишида “ж” аффрикати ҳал қилувчи белгилардан бири эканлиги ҳақидаги қарашларга таянамиз [17.252; 10.16, 2.7; 13.5; 9.279].

ЖФН шеваларида мавжуд бўлган товушларни ифодаловчи белгилар ва уларнинг алфавит кўриниши қўйидагича: *a[ə], b, v, g, f, d, e[ə], ж[ðж], з, и[ъ, ы], ӯ, ӯ, к, қ, л, м, н, о [ə], п, р, с, т, у, ў [ү], х, ч, ш, ў [ө], нг (н), ҳ.*

Жануби-ғарбий Наманган шимолий ва марказий ареали шевалари гурухи фонетик-фонологик сатҳида умумқипчоқ ёки айнан мазкур шевалар унлиларига хос бўлган белги-хусусиятлар:

1. ЖФН шимолий ва марказий ареали қипчоқ тип шевалар шохобчаси унли фонемалари қўйидаги кўринишга эга:

	тил олди		тил орқа	
	лабланмаган	лабланган	лабланмаган	лабланган
тор унлилар	<i>И</i>	<i>Ү</i>	-	<i>у</i>
ўрта-кенг унлилар	<i>е[э]</i>	<i>Ө</i>	-	<i>ў</i>
кенг унлилар	<i>ә[а]</i>	-	-	<i>о[ə]</i>

2. Олд ва орқа қатор жуфтлари бўлган унлилар сингармонизмнинг танглай уйғунлиги (танглай гармонияси) ва лаб уйғунлиги (лабиал гармония)қонуниятига амал қиласиди ҳамда маъно фарқлаш хусусиятига эга: бәқә: (бу ёқса), бәқо (бақа), соғ (соғ), сөғ(соғмоқ: сигир соғмоқ), сөғ (сепмоқ); ўр (ўтни ўрмоқ), ўр (сочни ўрмоқ); уч (сон, рақам), уч (учмоқ, парвоз қилмоқ), уч (учи, найзанинг уни); ун (русча мука), ун (овоз, унмоқ, ўсмоқ), тут (дараҳт), тут (ушламоқ), туз (русча соль), туз (тузмоқ) каби.

3. Наманган шаҳар шеваларида ва адабий тилда умумтуркий а унлиси *ә<а>* о типа дивергенцияга учраган. Жануби-ғарбий Наманган диалекти барча қипчоқ шевалари шохобчаларида умумтуркий *а:* *айак*, *азиқ*, *аҳсақ* тарзида сақланмаган, балки адабий орфографик о фонемасига сўз бошидагина мос келади: *онор* (анор), *оҳсоқ* (оқсоқ), *озық* (озик), *омо* (аммо) каби.

4. ЖФН қипчоқ шевалари шохобчалари ареалида сингармонизм қонунияти амалдалиги учун биринчи бўғин таркибидаги *о* га кейинги бўғиндаги унлилар мослашади: ўзак бўғинларида – *поҳто*(пахта), монты (манти), орық (арик), болық (балиқ), қотық (қатик); ўзакка аффикслар кўшилганда – боромон (бораман), қоломон (қоламан), толлор

(толлар), чоллор (чоллар), боллор (болалар) каби.

5. Жануби-ғарбий Наманган диалекти шимолий ва марказий ареали қипчоқ шевалари шохобчаларида унлилар чўзиқлик ва қисқалик белгиси сўзга услубий маъно беради:

– оддий чўзиқлик оддий даражани, иккиламчи чўзиқлик сифатнинг орттирма даражасини ҳосил қиласиди: “й” ловчиларда: – *ка:та* (катта), “ж” ловчиларда: *ирик* (йирик, катта) – *ири:к* (ўта катта), узоқ (узоқ, олис) – *узо:қ* (жуда узоқ, жуда олис), муз – *му:з* (роса совуқ), қайноқ – *қа:йноқ* (ўта иссиқ), жажа: (жуда), гупу – *гу:ппи* (чорпаҳил, тўла одам) каби;

– буйрук-истак майлидаги феълларнинг маъно қирраларини фарқлашга хизмат қиласиди: *бор* (соғ буйрук – бор) // *бо:р* (ялиниш: боргин), *ўқи//ўқи:* (ўқигин), *йоз–йо:з* (ёзгин), *йоза:й* (ёзай), *чиқ – чи:қ* (чиққин), *қоро – қоро:* (қара, кўргин) каби.

Жануби-ғарбий Наманган шимолий ва марказий ареали шевалари гурухи фонетик-фонологик сатҳида умумқипчоқ ёки айнан мазкур шевалар ундошларига хос бўлган белги-хусусиятлар:

1. ЖФН шимолий ва марказий ареали қипчоқ тип шевалар шохобчаси ундош фонемалари қўйидаги кўринишга эга:

овоз ва шөвқиннинг иширикига кўра	Ҳосил бўлиш ўрнига кўра		бўғиз товуши	чукур тил орқа	саёз тил орқа	тил ўрта	тил олди	лаб товушлари	
	ҳосил бўлиш усулига кўра							лаб- лаб	лаб- тиш
Шовқинлилар	портловчи	жарангсиз		қ	к	[қ]	т, ч	п	
		жарангли			г	[ѓ]	ð, ж	б	
	сирғалувчи	жарангсиз	ҳ	ҳ	[ҳ]		с, ш		
		жарангли		ғ		й	з	[в <sup>w</sup> ]	в
овоздорлар (сонорлар)	ён товуш						л		
	титроқ товуш						р		
	бурун товуши			ң	[ң]		н		м

**Изоҳ:** жадвалда катта қавслар билан берилган ундошлар фонемаларнинг нутқ жараёнидаги вариантыларидир.

2. Диалект “й” ловчи гурӯҳ шеваларида *r>v*, *b>v*, *p>v*, *g>y* алмашинуви кузатилади: *лов(лаб)*, *төв(тоб)* - иссиқ маъносида), *дивар* (деб юбор), *тэва* – (тепа), *сөв* (сепмоқ), *төв* (топмоқ), *туйун* (тугун), *сийир* (сигир) каби; “ж” ловчиларда эса, “й” ловчилардан фарқли ҳолатда: *у > е:хекимат*(хукумат), ҳөнар (хунар) каби фонетик-фонологик жараёнилар кузатилади. Бундан ташқари интервокал ҳолатда *п>b* га ўтиши: қоби (қопи), қўби (қўпи) каби ҳолатлар барча ўзбек қипчоқ шеваларидаги кабидир;

3. Жануби-ғарбий Наманган диалектининг қипчоқ шоҳобча шеваларида айрим сўзлардагина сўз бошида *[t]>[ð]* жаранглашади: *довуш* (товуш); “ж” ловчиларда: *толо* (дала), *тўпли* (дўппи) каби, бироқ барча ўзбек қипчоқ шеваларидаги мавжуд бу ҳодиса бошқа [8.281, 1.73, 10.36, 12.14]. қипчоқ шеваларидагидек кўпчиликни ташкил этмайди;

4. Шевада нутқ оқимида юзага келувчи ва ўзлашган сўзлар таркиби билан биргаликда кириб келган ёки уларнинг ўзлаштирилиши кечимида шаклланган дифтонглар мавжуд. Дифтонг жипс талаффуз этилган ёндош унлилар тилшуносликда дифтонг номи билан атаб: “икки унлининг бир бўғинда бирикиб келишидир” - деб изоҳланади [11.78;3.19]. Уларнинг артикуляциясида ҳам ўзига хос томони бор. Чунончи, ҳар бир товуш артикуляциясида уч фаза: экспурсия, кечим, рекурсия фазалари бўлади. Ўзбек тилидаги сўзлар таркибида эса, одатда, унлилар қатор, ёнма-ён қўлланмайди ва у сўзнинг бўғинларидан бири марказига ўрнашади, унинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Унинг олдидаги ундошнинг артикуляцион рекурсияси шу унлининг артикуляцион экспурсиясига, шу унлининг артикуляцион рекурсияси кейинги ундошнинг артикуляцион экспурсиясига тўғри келади. Шунинг учун, бўғин товушлари ўзаро туташган ҳолда бир бутунликни олиб талаффуз этилади. Бироқ бу товушлар ўртасидаги бирининг устида бири берилган артикуляцион рекурсия ва экспурсиялар

бўғиндаги товушларнинг талаффуз этилишида аниқлик, яққоллик, алоҳидаликни таъминлайди [11.80-81].

Жануби-ғарбий Наманган ҳудуд қипчоқ шеваларида *[r]* фонемаси билан бошланувчи олинма сўзлардан *“урис*(рус)

сўзида, сандҳи (*sandhi* – бунда икки сўзнинг талаффузи жараёнида олдинги сўз ниҳоясидаги ундош кейинги (бошланувчи сўз) товушга мослашади ёки дастлабки сўзнинг охирги товуши (кейинги сўз унли билан бошлансан) жаранглашади: **бөлакәдәм// бөлагәдәм** (ад.т.: бошқа (ўзга) одам) каби) ҳолатларда: *ҳә<sup>w</sup>ула* (ўлақол), *ҳойрон<sup>w</sup>ўлдым* (ҳайрон бўлдим), *қўй<sup>w</sup>өрөв* (қўйиб юбор), *одо<sup>w</sup>өлдъ* (тамом бўлди) каби бир қатор туркий бирликларда, “ж”ловчи қипчоқларда эса, *“эккъинчъ* (иккинчи), *“эшкъ* (эчки), *“йэки* (икки), *“ойтвар* (айтиб юбор) каби сўзларда дифтонглашиш ҳодисаси учрайди. Лекин бу фонетик жараён мазкур диалектал ареалда жуда саноқли туб сўзлар доирасида амал қиласи, кўплаб қипчоқ тип диалектларидагидек [8.169;1.78;10.48;12.27], *“ўраза*, *“өрозо* (рўза), *“ўрамол* (рўмол), *“уризо* (ризо, рози каби) умумий тус олмаган. Бироқ, юқоридагидек, сандҳи ҳолатлар доирасида улар миқдори кўпроқ;

5. Прага лингвистик мактабининг фонологик концепцияси бўйича, бир хил куршовда эркин алмашиниш муносабатида бўлган икки товушнинг бири ўрнида иккинчисининг келиши маънога таъсир этмаса, бу товушлар бир фонеманинг турли факультатив вариантылари ҳисобланади. Булар одатда эркин алмашиниш муносабатида муайян белгисига кўра ўзаро яқин бўлган товушлар бўлади [14.135]. Масалан, *товор-дөвуш*; *дўлпи-тўпли*; *-кина*, *-гина*; *-га*, *-ка*, *-қа* кабилар. Лекин маълум умумий белгига эга бўлмаган товушлар бундай муносабатга киришмайди.

Шуниси характерлики, жануби-ғарбий Наманган шеваларида ана шундай товушларнинг ҳам ўзаро эркин алмашиш дистрибуцияси кузатилади. Хусусан, *с*, *ш*, *ч*, *т* ундоши локаллик белгисига кўра ҳам, акустик

## ТИЛШУНОСЛИК

белгисига кўра ҳам, пайдо бўлиш усулига кўра ҳам бўғиз ундоши бўлган ҳ га ўхшамайди. Шундай бўлишига қарамасдан, сўзниг турли позицияларида бу товушларнинг ўзаро маънога таъсир этмаган ҳолда эркин алмашиниши кузатилади. Туркий сўзларда: **c/ҳ:** энәҳинъ (онасиники), этәҳинъ (отасиникида), бўләҳъ (боласида) каби. Бу жиҳатдан шева туркий тиллар оиласига мансуб бошқирд тилига хос бўлган хусусиятни ўзида намоён қилади. Бошқа туркий тилларда учинчи шахс эгалик шакли -си, бошқирд тилида доимо -ҳи шаклида қўлланилади [5.12]. Шунингдек, сўз боши ва ўртасида с ундошининг ҳ ундошига алмашиниши кузатилади. Масалан, соқол-ҳокал, оқсоқол-оқҳокал [5.85] каби.

Сўзниг турли ўринларида талаффуз қулагига эришиш ҳаракати ва мақсади сабабли сўз бошида ўзлашмаларда ҳ товуши ҳ тарзида, сўзниг бошқа позицияларида аслидай алмаштирилиб қўлланади: ҳистаж (стаж), ҳистадион (стадион), ҳистанок (станок), ҳистакан (стакан), ҳустуден (студент) каби;

**ш//ҳ:** моҳийна (машина), ҳомғолот (шамғалат), ҳилпиқ (шилпик), ҳиширмоқ (шиширмоқ), ҳышша (шиша) каби;

**ч//ҳ:** ҳоҳчаймо (чақчайма), ҳаканлама (чаканглама), ҳовдиш (чойжӯш, қумғон), ҳирамма (чиранма), ҳўккала (чўккаламоқ) каби. Ҳудуд шеваларида сўз охиридаги ш ва ч ундоши ўрнида ҳ ундошининг қўлланини деярли кузатилмайди.

**t//ҳ:** ўҳлатмоқ ( ўтлатмоқ), қаҳнамоқ (қатнамоқ), иҳтивар (итқиб юбор), иҳти (ирғитмоқ) каби [7.77].

Бу далиллар шуни кўрсатадики, жануби-ғарбий Наманган шеваларида ҳ ундоши жуда фаол қўлланади ва турли позицияларда с, ч, ш, т ундошлари ўрнида алмашиниб кела олади. Бу эса шева вакилларининг буюк Маҳмуд Кошғарий мансуб бўлган туркий шева билан генетик боғлиқлигини кўрсатади. Чунки у ўзини унли билан бошланган сўзлар олдига ҳ ундошини ортириб қўллайдиган уруқа мансублигини кўрсатган эди [21.17].

Шева материаллари бизга ўзбек халқининг этногенетик, этнографик хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар берадики, бундай маълумотларни бошқа ҳеч бир манбадан ололмаслик мумкин.

Воқеликлар моҳиятни ёритгани каби, шева хусусиятларини ўрганиш орқали умумўзбек тилининг табиити очилади. Шундай экан, ўзбек шеваларини тўлиқ ўрганмасдан туриб умумўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида атрофлича фикр юритиш мумкин эмас.

Наманган вилоятининг жануби-ғарбий худудида жойлашган қишлоқ қипчоқ шеваларида учрамайдиган ёки кам учрайдиган ўзига хос фонетик, лексик, морфологик хусусиятлар кузатиладики, биз мазкур ареални таснифлашда унинг айрим фонетик-фонологик хусусиятларигагина тўхтатдик. Зоро, ўзбек шеваларидаги кўплаб тил ҳодисаларини таҳлилга тортиш, воқеланиш позицияларини аниқлаш ва сабабларини ёритиш умумўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини объектив ёритишида катта аҳамиятга эга.

### Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ф. Фонетика хорезмских говоров. – Т.: Фан, 1967.
2. Алиев А. Ю. Уйчинский говор узбекского языка. АКД.–Т., 1960.
3. Ashurboyev S. O'zbek dialektologiyasi.–Т.: TDPI, 2013.
4. Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики: Среднеазиатский ареал. –М., 1975.
5. Грамматика башкирского литературного языка. – Уфа, 1981.
6. Дарвишов И. Жануби-ғарбий Наманган диалектик ареали ва унинг айрим фонетик ва морфологик хусусиятлари. "Til va adabiyot ta'limi" журнали. – 2014 йил, 11-сон.
7. Дарвишов И. Жануби-ғарбий Наманган шеваларида "ҳ" ундошининг қўлланиш хусусиятлари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. – 2014 йил, 3-сон.
8. Дмитриев Н.К. Вставка выпадений гласных и согласных в тюркских языках. – ИСГТЯ.И.
9. Дмитриев Н.К. Неустойчивое положение сонорных р, л, н в тюркских языках. – М, 1963.
10. Ишаев А. Мангит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. ЎДМ. II. – Т., 1963.
11. Миртоҗиев М.М. Ўзбек тили фонетики. –Т.: Фан, 2013.
12. Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозогистон ўзбек шевалари. – Т.: Фан. 1981.
13. Насиров Ш. Кокандский говор узбекского языка. – Т., 1965.
14. Нурмонов А. Танланган асарлар. II жилд.– Т.: "Академнашр". 2012.
15. Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Т.: Узгосиздат, 1933.
16. Решетов В.В. Узбекский язык. – Т., 1959.
17. Решетов В.В. Ўзбек шеваларининг классификацияси. ЎТА. – Т., 1966, 1-сон.
18. Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: Каракалпакское государственное издательство, 1959.
19. Шоабдурраҳмонов Ш. Ўзбек адабий тили. –Т.: Ўздавнашр, 1967.
20. Эргашев А.А. Андикон вилояти этнотопонимларининг ареал-ономастик тадқиқи . Дисс. автореф. – Т., 2012.
21. Кошғарий Маҳмуд. Девону луғатит турк. 1-том. – Т., 1960.

(Тақризчи: С.Мўминов, филология фанлари доктори, профессор).